



ИШОНЧ

РАСМИЙ ТАШРИФ

Кеча мамлакатимиз Президенти Исмоил Каримовнинг Туркия Республикасига расмий ташрифи бошланди. Давлатимиз раҳбари Исмоил Каримов Тошкентдан Анкара шаҳрига жўнаб кетди. Пойтахт аэропортида Ўзбекистон Президентининг Республика Олий Мажлиси раиси Эркин Халлилов, Бош вазир Уткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Журабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Бахтиёр Ғиломов ва бошқа расмий кишилар кутатиб қолдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

18 ноябрь, сешанба 1997 йил №135 (485)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

18 ноябрь — Ўзбекистон республикаси байроғи таъсис этилган кун

ҲИЛПИРАЙВЕР, БАЙРОҒИМ

Бундан етти йил бурунга назар ташлайлик. Эсингиздами, 1991 йилга қадар байрам кунлари кўчалар, майдонларда, бинолар пештоқларида бир рангдаги — қизил байроқлар ҳилпираб турарди. Йўқ, аслида бундай дейиш унчалик тўғри бўлмас. Байроқларнинг биттаси тус қизил, қолган ун бештасининг урғароғида бошқа қандайдир рангдаги «Белбоғ» буларди. Каттакон уроқ-болға муҳрланган тус қизил байроқ СССР деган истибдоқ салтанатиники, қолган ун бешта «эгизак», бир-бирдан белбоғининг ранги ва жойлашган ўрни билангина фарқ қиладиган мато эса, унинг «Утай» фарзандлари — номтагина мавжуд «Иттифоқдош» республикалариники эди. Байроқларнинг «эгизак»нинг сабаби — уларнинг барчаси бир жойда — Москвада таъсис этилиб, тасдиқлангани, сунгра республикаларга улаштирилиши маълум, албатта. Тўғриси, улар орасидан Ўзбекистонга тегишли байроқни ажратиб олиш ҳам қийин эди...

Биз ана шу — инкубатор жужалари сингари бир хил матолардан бошқа байроқни билмасдик. Бинобарин, бизнинг байроғимизни ҳам ҳеч ким билмасди. Ўзбекистонлик санъаткорлар, спортчилар бирон-бир хорижий мамлакатта борса ҳам, уша-уроқ-болғади қизил байроқ билан борарди. Очиғини айтганда, номтагина мавжуд бўлса-да, Ўзбекистонимиз байроғи аслида йўқ эди...

Байроқсиз давлат ҳам буларканми, дерсиз. Мана, куриб турибсизки, буларкан. Йўқ-йўқ, бу гап ҳам унчалик тўғри эмас. Аслида Ўзбекистон деган давлат ҳам йўқ эди-ку.

Ҳар қандай кишининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлганидек, ҳар бир давлатнинг ҳам «шахси»ни тасдиқловчи тимсоллари бўлади. Давлатники — унинг байроғи, Герб ва Мадҳиясидан иборат бўлади...

Хуллас, тарихий 1991 йилга қадар биз уза байроқни кутариб юрганмиз. Уза байроқни тафов қилганмиз. Уза байроқни мадҳ этганмиз...

Нижоят, тарихий 1991 йилнинг 31 август тоғни отди. Президентимиз парламентимиз сессиясида Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилди. Шу кундан узимизни таний бошладик. Мустақилликнинг утган олти йили мобайнида тикланган қадриятларимиз, буюк аллома аждоқларимиз номларининг узиёқ жуда кўп нарсалар далолат бериб турибди.

Аслида олти йил нима деган гап. Илгари гувоҳ бўлганмиз: Олдиётгина бино улаб йиллар давомида битмай ётарди. Республикаимизда мана шу олти йил ичида қурилган улкан заводлар, бинолар, иншоотлар, йўللар, бажарилган ободончилик ишларини курган одам ҳайратга тушади.

Фақат улкан салоҳиятга эга булган давлатгагина бундай мўъжизалар юз бериши мумкин.

Ана шу давлат — Ўзбекистонимиз мустақиллик йўлига кириши биланоқ узоқ кифасини тиклашга, узоқ «паспорт маълумотлари»ни барпо этишга киришди. МДҲдаги давлатлар уртасида биринчилардан бўлиб узининг Конституцияси, узининг Байроғи, узининг Герб, узининг Мадҳиясига эга бўлди.

Гап байроқ ҳақида.

Илгари ҳукумат биноси томининг икки четида албатта иккита — баландроқда СССР байроғи, пастроқда эса Ўзбекистон байроғи ослиб турарди. Чуқуроқ уйлаб қаралса, шу ҳолингиз узи ҳам мустамлақачлик тўзумининг бир қуриниши экани аён бўларди. Бугунги кунда эса, Худода шўқ, барча расмий идораларимиз биноси теласида янги Ўзбекистоннинг янги байроғи танҳо ва мағрур ҳилпираб турибди.

Ўзбекистон байроғи мухташам «Туркистон» саройи пештоқига зарб этилган.

Ўзбекистон байроғи республикамизнинг ҳамма жойида салобат тўқиб турибди.

Бугунги кунда Ўзбекистонимиз байроғи фақат Ўзбекистондагина ҳилпираётгани йўқ.

Байроғимиз Президентимиз сафар қилган давлатларда, хориждаги элчихоналаримиз, юртимиз вакиллари иштирок этатган кўшуб ҳалқаро анжуманлар утказилаётган жойларда ҳилпираб турибди.

Ҳозир Тошкентда эки Ўзбекистонимиз бошқа шаҳарларда ҳалқаро тандирилар, спорт мусобақаларини утказилаётганда жаҳондаги турли мамлакатларнинг ҳилпираб турган байроқларини куриб, кузингиз қувонади. Уларнинг ранг-баранглигини куриб, олам қандай ранг-баранг, гузал эканига амин бўласиз.

Демак, байроғимиз давлатимиз кифасини белгиловчи тимсоллардан бири бўлибгина қолмай, бизга оламни очиб берган, барчамизни унинг гузаллигидан баҳраманд этатган оминлардан бири ҳам экан...

... Ўзбекистон телерадиокомпаниясида ишланган «Кўнгли кўчалари» видеофильмида бир эпизод бор. Фильм қаҳрамонларидан бири кинотеатр енидан утлаб кетатиб, майдондаги байроқ дастасига уралиб қолганини куради. У ени-ерига қараб, ҳеч кимни тополмаган, касасга қиради. Кассир аёл: «Сизга нечта билет керак» деб суради. Қаҳрамон: «Байроқ дастасига уралиб қолди, раҳбарларингизга айтиб қуйсангиз, уни турғилаб қуйишса, — дейди. — Ахир байроқ ҳилпираб туриши керак-да». Кассир аёл унга дайрон бўлиб қараб қолади-да: «Узингиз ким бўласиз?» деб суради. «Бунинг нима даҳин бор, — дейди қаҳрамон жўлмайиб. — Мен оддий бир фуқарома». Сунг уша байроқнинг ҳилпираб тургани намоен бўлади.

Биз барчамиз мустақил Ватанимиз рамиз булган байроғимизга ана шундай муносабатда бўлишимиз керак, деб уйлайман. Ватанинг ҳар қарич ери, ҳар бир тимсоли ҳам Ватан. Унга солиқ, унга фило бўлиб яшайлик.

Ҳилпирайвер, байроғим.

М. ХУЖАЕВ,
Уза шарҳловчиси

Ўзбекистонда Украина маданияти кунлари

16-22 ноябрь кунлари уринбосари Алишер мамлакатимизда Украина Азизхужаев Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб утади. Шу муносабат билан Украина Бош вазири уринбосари бошчилигидаги делегация аъзолари бугун, Вазирлар Маҳкамасида қабул қилинди. Республика Бош вазири

Ўзбекистон — Туркия

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Президентимиз И. Каримовнинг Туркия Республикасига қилаётган расмий сафари давом этмоқда. Сўзсиз, ушбу дўстона ташриф икки мамлакат сиёсий ҳаётидаги улкан воқеадир. Чунки мазкур расмий сафар турк элида бўлажак олий учрашувлар, музокаралар, мулоқотлар икки томонлама алоқаларимизни янада юқори босқичга кўтарди, ҳамкорлик тинчлик ва хавфсизлик ишларини янада мустаҳкамлашнига хизмат қилади. Бу, биринчидан. Иккинчидан, тинмай кенгайиб бораётган Ўзбекистон — Туркия алоқалари халқаро ҳаётнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Одатда давлат ва ҳукумат раҳбарларининг расмий ташрифлари мамлакатларнинг яқинлашувида, дунё муаммоларини, инсоният олдига турган масалаларни ечишда, ҳал этишда муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли халқаро жамоатчилик бундай сафарларга катта умид боғлайди. Энди Туркиянинг бутунги кунга ўтадиган бўлса, 65 миллион аҳолига эга булган ушбу мамлакат икки қитъага алоқадор юрт.

Туркиянинг Осиё қисми Анатолия деб, Европадаги қисми эса Шарқий Фракия деб аталади, Кичик Осиё ва Болқон ярим оролларида жойлашган. Туркиянинг жаҳон сиёсати халқаро муносабатлар ва дунё ишларида ўз салмоқини ўрни, таъсири овози бор. Мамлакат қатор нуфузли халқаро ҳамда минтақавий ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирган. 1923 йилнинг 29 октябрида Республика деб эълон қилинган ушбу мамлакат иқтисодий ва демократик ривожланишнинг катта йўлини босиб ўтди. Мамлакатда ҳозирги замон санюати ва қишлоқ хўжалигининг кўпгина тармоқлари тараққий этган. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар жаҳонда машҳур.

Бугун мамлакат ҳукуматининг юризматик иқтисодий сиёсати давлатнинг иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилмоқда. Масалан, шу йилнинг биринчи ярмида Туркиянинг иқтисодий ўсиши 6 фоизни ташкил этди. Мамлакат статистика институтининг таҳминларига қараганда жорий йилдаги иқтисодий ўсиш 7,9 фоизга етади. Жон боғига ишлаб чиқарилган яли миллий маҳсулотнинг миқдори 2928 долларга кўтарилди. Бу йил экспорт ҳисобига давлат хазинасига 30 миллиард доллар даромад тузиши кутилмоқда. Шу йилнинг сентябрь ойида Туркиянинг ички валюта захиралари миқдори 18,5 миллиард, халқаро валюталари эса 28,3 миллиард долларга етди.

Мамлакат иқтисодийёти биргина туризмдан бу йил 8 миллиард долларлик фойда кўради. Келгуси йилдан бошлаб ҳукумат иқтисодийётини соғломлаштиришнинг 3 йилга мўлжалланган дастури амалга оширишга кирилади. Туркия иқтисодийёти масалалар бўйича давлат вазири Гюнес Танернинг айтишича, янги йил мамлакат тараққийёти учун ривожланиш йили бўлади. Масалан, келгуси йилда экспортдан 29 миллиард, импортдан эса 50 миллиард доллар фойда олинади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Туркия халқаро ишларда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Фақат шу йилнинг октябр ойида Анкарада иккита муҳим халқаро анжуман бўлди. Сув захиралари бўйича Халқаро конференцияда халқлар учун ҳаёт-мамонт масаласи ҳисобланган сув муаммолари кўриб чиқилди. Агар ҳозирдаёқ сезилаётган сув танқислиги муаммоларини ҳисобга оладиган бўлсак, Анкарадаги йилнинг муҳимлигини сезиш қийин эмас. Туркия пойтахтида бўлиб ўтган 11-умумжаҳон ўрмон конгрессида дунёнинг 150 мамлакатидан келган 4 мингга яқин вакиллар иштирок этишиб, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, ўрмонларни авайлаб-асраш умумжаҳон экологик дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этдилар. Ушбу конгресс XX аср охириларидангиз энг йирик йилгиз бўлди.

Маълумки мамлакатимизнинг мустақилликка чиққанлиги Ўзбекистон — Туркия алоқаларини йўлга қўйиш учун кең уфқлар очиб берди. Туркия биринчилар қаторида давлатимиз мустақиллигини таниди. Бутун Тошкентда ушбу қардош давлатнинг, Анкарада эса Ўзбекистоннинг элчихоналари ишлаб турибди. Икки давлат ўртасида қўшуб битимлар имзоладилар, улар сиёсий, иқтисодий, маданий, савдо-сотиқ, илмий-техниканий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигимизни юксалтиришга хизмат қилмоқда. Юзлаб қўшма корхоналар, қатор турк фирмаларининг мамлакатимизда фаолият олиб бораётган бўлимлари, турк қурувчилари бўвд этатган корхона ҳамда ишман бинолар ва бошқалар ана шу ҳамкорлик медалларидир.

Тенг ҳуқуқли, узаро манфаатли ҳамкорлик ҳар доим катта наф келтириб келган. Давлатимиз ташқи сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон — Туркия алоқаларини кенгайтириш ҳам шунга асосланганлар. Мустақиллик йўлида кетатган давлатлар бир-бирларидан кўп нарсга ўргансалар бўлади. Мамлакатимиз раҳбари «Известия» газетаси муҳбирлари билан қилган суҳбати чоғида ушбу ҳақиқатни яна бир бор эслатиб ўтди.

Сўзсиз, Президентимизнинг Туркияга қилаётган бу галли сафари ҳам мамлакатларимиз равиқига узаро манфаатли алоқаларимизнинг янада кең қулоқ ёйишига хизмат қилади. Бундай дейишга ҳамма асослар бор.

Тавълат СОЛИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши натижасида мамлакатимизда энг оммавий ташкилот булган касаба уюшмалари фаолиятида янги йўналиш пайло бўлди. Бу касаба уюшмаларимизни халқаро касаба уюшмалари ҳаракатида фаол иштирок этатганидага намоен бўлмоқда. Мустақилликнинг олти йил ичида касаба уюшмаларимиз қирққа яқин мамлакат, шу жумладан Туркия, Ҳиндистон, Франция, Италия, АҚШ, Исроил каби қатор хорижий мамлакатлар касаба уюшмалари ва халқаро касаба марказлари билан дўстона алоқа урнатдилар. Шу уринда касаба уюшмаларимизни Туркия касаба уюшмалари билан дўстона алоқаларини алоҳида таъкидлаб утиш лозим. Гап шундаки, давлатимизнинг мустақиллигини Туркия биринчи бўлиб тас оланг эди. Халқларимиз уртасидаги қардошлик айнаикса Туркия



ҲАМКОРЛИКНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Президенти Сулаймон Демирел жаобларининг йўл-бошчимиз Исмоил Каримов билан бўлиб утган қатор учрашувларидан сунг янгича мазмун касб этиб, узача жило тоиди.

Касаба уюшмаларимиз уртасидаги узаро ҳамкорликка Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши вакиллари 1992 йил декабрь ойида Туркия касаба уюшмаларининг тақдифига биноан қилган ташриф асос солган. Республикаимиз касаба уюшма фаоллари Туркия ишчилар касаба уюшмалари Конфедерацияси «Турк-Иш»нинг XVI Конгресси ҳамда касаба уюшмалари «Ҳақ-Иш»нинг VII Конгресси ишида қатнашиб, мамлакатларимиз касаба уюшмалари уртасида ҳамкорлик урнатилга келишиб олдилар. Олиб бориладан учрашувлар натижасида икки мамлакат

касаба уюшма марказлари уртасида Битим имзоланди. Ушбу Битимга биноан «Турк-Металл» касаба уюшмасининг уқув Марказида Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳодимларининг уқуви ва стажировкаси келишиб олдинди ва республикамиздан 10 киши мазкур Марказда ўз малакаларини ошириб қайтидилар.

Туркия ва Ўзбекистон касаба уюшмалари уртасидаги

ҳамкорликни чуқурлаштириш масалаларини мамлакатимиз касаба уюшмалари вакиллари 1995 йил ноябрь-декабрь ойларида Туркияга қилган амалий сафари чоғида муҳокама қилишиб, ушбу жараёни иккала мамлакат меҳнатқиларининг узаро манфаатлига мос келадиган томонларига алоҳида эътибор қаратилди. Вакиллариимиз (Давоми 2-бетда)

Суратларда: «Турк-Металл» касаба уюшма Бош маркази раиси, Европа ва Осиё металл санюати ишчилар касаба уюшмалари Федерацияси Марказий кўмитаси Бош Президенти Мустафо Ўзбек ва Ўзбекистон машиносозлик санюати ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси раиси Шавкат Одилов.

«Турк-Металл» касаба уюшмаси курутайида Ўзбекистон металлургия санюати ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитасининг раиси Мамасиддиқ Жамолдидинов сўзламоқда.

ЯНГИ ЙИЛГА — БАРВАҚТ ТАРАДДУД

«Ўзбекнефгаз» миллий корпорациясига қарашли «Шуртан» ҳиссадорлик жамияти жамоаси 1997 йили барча соҳалар бўйича қувонарли натижалар билан сарҳисоб этиб, келатган янги 1998 йилни ерут юз билан қаршиламоқдалар. Улар янги йил дастурхонини учун ҳозирдаёқ муносиб тўхта ҳозирлашди. Хўжаликка қарашли 0,17 гектар майдондаги иссиқхонада лимон ва турли қуқатлар устирилмоқда. 100 туздан ортиқ лимон дарахтида бу йил ҳар қачонгидан ҳосил мўл бўлди. Сарғиш-қизил ранг қуратиб, ҳосиллар пишиб етилгангидан дарак бермоқда. Жамоа бултур янги йилда газчилар дастурхонига қарийб 4 тонна шифобахш лимон тортиқ қилган бўлса, бу йил 4,5 тонна лимон совга этишини режалаштирмоқда. Шунингдек, 1 тоннадан ортиқ турли қуқатлар билан таъминлашни ният қилганлар.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ана шу иссиқхонада лимон ва турли қуқатлар етиштиришда Мирзаер бобо Бекназаров ва оила аъзоларининг хизмати катта бўлаётди. Улар кечани-кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилиб, газчилар дастурхонини бойитишдек хайрли иш билан шугулланмоқдалар.

Янги йил дастурхонини учун бошқа қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини ҳам захира қилиб қуйганмиз, — дейди жамият раиси Миржаҳон Муродов биз билан суҳбатда. — Жумладан, 100 тонна картошка, 300 тонна пиез, 20 тонна тарвуз, 25 тонна ошқовоқ, 1 тоннадан ортиқ узум ва олма, 5 тонна майғиз, 1 тоннадан ортиқ тузланган помидор ва бодринг каби маҳсулотларни оморхоналаримизда сақлапмиз. Насиб бўлса, ушбу маҳсулотларни янги йил олдиндан газчиларга арзон нархларда тарқатиб берамиз. Мақсадимиз — битта. У ҳам бўлса, ҳозирги тақвильлик шароитда таъминотда узлиш бўлмаслигига эришишдан иборат. Бунинг учун имкониятларимиз етарли.

Ҳа, жамият раисининг гаплари рост. Ҳақиқатан ҳам жамоа 1997 йилни ҳар соҳада яхши натижалар билан яқунламоқда. Шу боисдан ҳам улар янги йилни қаршилашга барвақт тарадуд қурмоқдалар.

С. АХРОРОВ,
«Ишонч» муҳбири.



ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати Жанубий Корея билан узаро тинчлик музокараларини олиб боришга розилик билдирди. Икки мамлакат тинчлик музокараларида Америка Қўшма Штатлари ҳамда Хитой Халқ Республикаси вакиллари ҳам иштирок этишлари кузда тутилган. Маълумки, АҚШ билан ХХР икки Корея уртасида тинчлик урнатилга ҳоимийлик қилиб келмоқдалар. Турт давлатнинг олий мартабали кишилари шу ҳафта сунгиди Нью-Йоркда учрашиб, булажак музокараларда қуриладиган масалаларни муҳокама этдилар.

Европа мамлакатлари бўйлаб сафар қилаётган АҚШ Давлат котиби Малден Олбрайт хоним Лондонда Исроил Бош вазири Беньямин Нетаняху билан учрашган. Мазкур учрашувада томонлар Яқин Шарқда тинчлик урнатилга масалаларини муҳокама этгадилар. Шунингдек, Малден Олбрайт Ишларнинг Бери шаҳрида Фаустин мухторияти раҳбари Есир Арафот билан учрашган. АҚШ Давлат котиби Европада сунг Жанубий Осиё мамлакатларига сафар қилиш ниятида.

АҚШ Президенти рафиқаси Хиллари Клинтон хонимнинг Россияга ташрифи Екатеринбург шаҳрида меҳмон бўлишдан бошланди. Шунингдек, уш ташрифиданми Осиёнинг Россиянинг Новосибирск, Украинанинг Львов шаҳарларида бўлди. Бугун Хиллари Клинтоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бўйлаб сафари ниҳоясига етди.

Хитой ҳукумати Бирланган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг Ироққа қарши жазо чораларини қучаитиришга доир махусе қарорини қораламоқда. Аяни вақтда, ХХР Ироқни БМТ талабларини дарҳол бажаришга қачирмоқда. Бу ҳақда ХХР Давлат кенгаши Раиси Ли Пэн Япония ташқи ишлар вазири Уринбосари Махасиқо Коумара билан булган учрашувида баёнот берган.

Германия Федератив Республикаси Федерал қаншлири Гельмут Коь билан Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин уртасида шу йилнинг 30 ноябринда учрашув бўлиб утади. Бунидан хабар беришларича, Гельмут Коь Россия раҳбарининг Москва яқинидаги қароргоҳига нарасий ташриф буюради. Мазкур учрашувада бир қатор долзарб сиёсий масалалар ҳамда Россия — Германия ҳамкорлиги истиқболлари муҳокама этилади.

Давлат давлатининг ҳукумати Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Марказий Осиё давлатларидан фаолиятини кенгайтириш учун қўшмача 500 миң доллар маблағ ажратинга қарор берди. Давла ҳукуматининг фикрича, бу маблағлар ЕХТТ ёрдамида Марказий Осиёда амалга оширилатган демократик ислоҳотларнинг янада самарали давом этишига сарфлангани керак.

Ҳиндистон ташқи оламнинг хавфи қучаитган тақдирдагина ядро қурулиш ишлаб чиқаришга киришад. Бу ҳақда Ҳиндистон Бош вазири Ишлер Кумар Жаваид Дехлида булган учрашувлардан йироқ баёнот берган. Ядро қурули ишлаб чиқаришга ҳар қанча имкониятлари бўлса-да, Ҳиндистон қурулишнинг яна ядро урушига қарши қурулиш қизғин қўлаб-қуватлайди, деб айтди Ишлер Кумар Жаваид.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида.

